

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 117 (6.954). Sotuvda erkin narxda

Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Қадри дўстлар! Авваламбор, сиз, қорақалпоқ пахтакорлари, деҳқонлари ва барча меҳнаткашларини бу йилги мавсумда эришган юксак меҳнат ғалабанинг билан - нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон пахтачилиги тарихида биринчилар қаторида гоҳат қисқа муддатда пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклиман.

Утган хўжалик йилини ҳам барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлаган сиз, азизларнинг бу улкан ютугингиз замирида ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи кўч бўлган фермерлик ҳаракатида кенг йўл очиб бериш, эгаллик ҳиссиёти, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш ва меҳнат қилиш каби омиллар мужассам.

Кейинги йилларда оғир синовларни, қурғоқчилик машаққатларини бошидан ўтказиб, шу заминни обод этиш йўлида сабот ва матонат фазилатларини, том маънода қаҳрамонлик намунасини намойиш этиб келётган қорақалпоқ элининг бугунги катта муваффақияти барчамизни, бутун халқимизни қувонтиради.

Азиз дўстлар! Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг турли соҳалардаги салмоқли ютуқларини эътироф этган ҳолда, ҳукуматимиз ва давлат идоралари, бунга мутасадди бўлган барча ташкилот ва жамоатчилигимиз томонидан мана шу ўта мураккаб табиий иқлим ва тупроқ шaroитида яшайдиган инсонлар учун доимий ва барқарор даромад манбала-

ни яратиш ҳақида жиддий бош қотириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу мақсадда бу ерда sanoat ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес, шу жумладан, катта имкониятларга эга бўлган чорвачилик каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Мана шу қорақалпоқ заминига, ўз тугилиб ўсган ерига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат қўриштириб яшаётган аҳолининг ижтимоий ва коммунал эҳтиёжларини, авваломбор, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, агроф-муҳитнинг экологик даражасини яхшилаш масаласига олдимизда турган энг муҳим вазифамиз, деб қарашимиз лозим.

Бугунги қувончли кунда мен сизларнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ҳалол меҳнат қилиб қўлга киритган юксак ғалабанинг билан яна бир бор самимий қутлар эканман, аввал айтган гапимни яна такрорламоқчиман: мен ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биланам ва бу билан доимо фахрланаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту садоқат, хонадонларингизга қўт-барақа, ишларингизга янги омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Меҳнат ва матонат

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, кишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қўламадаги ўзгаришлар билан танишиш мақсадида яқинда Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. Президентнинг деҳқонлар билан учрашиб, дилдан суҳбат қурганилиги, уларнинг турмуш шaroити билан яқиндан танишганилиги бу йилги пахта йилги-терим мавсумида қарвонбошлик қилаётган воҳа пахтакорларини янада руҳлантириб юборди. Улар катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар.

Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси пахтачилигида ҳақиқий бурилиш бўлди. Орол бўйилик пахтакорлар пахта тайёрлаш йиллик шартномаси мамлакатимизда биринчи бўлиб бажардилар. Давлатга 185 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли пахта етказиб берилди. Режа 25 иш кунига адо этилди.

Кийин ушундай далилларга мурожаат этсак. Утган йили давлатга 176 минг тонна пахта сотилиб, йиллик режа 22 октябрда адо этилган эди. Эришилган бу йилги ютуққа пахтачилик билан шуғулланувчи 14 та туман деҳқонлари муносиб ҳисса қўшишди. Айниқса, режани ярим ой муддатда ўринлатиб қўйган нуқсулчилар республика пахтакорларига ибрат бўлдилар. Қўнғирот, Тахтақўпир, Қораўзақ, Кегейли туманлари хўжалиқларида ҳам йилги-терим гоҳат уюшқоқлик билан ўтказилди. Қорақалпоғистон маррага етиб келган кунда катта қарвон Амударё ва Хўжайли туман-

СУРУР

лари ҳам шартномавий режани удаллаб, юзлари ёруғ бўлди. Тўртқўл, Эллиққалъа, Беруний туманлари хўжалиқлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариш арафасида. Хуллас, бугун қорақалпоғистонлик пахтакорлар мураккаб табиий-иқлим шaroитида матонатли меҳнатлари нашидасини суришяпти. Энг муҳими, пахтачиликдан олинган даромад утган йилдагидан 1,5 баробар кўп бўлиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазири Фарход Эрмоновнинг таъкидлашича, эришилган муваффақиятнинг асосий омилли иқтисодий ислохотларнинг изчил чуқурлаштириб борилиши туйғулидир. Айниқса, шартнома белли ширкат хўжалиқлари тугатилиб, фермерлик ҳаракати кенг йўл очилганилиги, ер эгасини топганлиги муваффақиятларини таъминлашда муҳим рол ўйнади.

(Давоми 3-бетда)



Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Терроризмга қарши курашдаги ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Россиянинг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги доирасида 21-23 сентябр кунлари мамлакатимиздаги «Фориш» полигонига қўша антитеррор тактик машқлари ўтказилди.

Халқаро терроризм инсоният бошига қора қўламан ташлаб турган бир пайтда унга қарши кенг қамровли кураш олиб бориш жаҳон ҳамжамияти олдидаги долзарб вазифалардан бирidir. Сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида, жумладан мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳуруқлари, хусусан, шу йилнинг май ойида Андижонда рўй берган қонли воқеалар ҳар биримизни янада оғоҳ ва серғак бўлишга ундайди.

топиш ва йўқ қилишда авиациядан ҳам фойдаланилди. Қийин тоғ шaroитида ва «тинч аҳоли яшайдиган манзил»да амалга оширилган бу машқларни ҳар иккала томоннинг ҳарбийлари аъло даражада удалладилар. Машқларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Фуломов, Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов кузатди. Россия мудофаа вазири машқлар ҳақида ўз таассуротларини баён этаркан, Ўзбекистон ҳарбийлари юксак маҳоратини намойиш қилганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎзА муҳбири.

Қувончимнинг чеки йўқ

Бундан етти йил муқаддам яхши ният билан «Даулет» фермер хўжалигини ташкил қилдим. Ушунда 80 гектарлик ер билан иш бошлагандик. Кейинчалик тендерда гоҳиб бўлиб, қўшимча ер олдик.

Хўзир жами 303 гектар ермиз бор. Мақтанмишга йўлмангу ҳар йили пахтадан давлат шартномасини удаллаб келаямиз.

Одамлар фермерликнинг афзал

томонлари тўғрисида мenden кўп сўрашади. Меҳнатидан қочмасанг, тупроққа меҳр қўйсанг, деҳқончилик, фермерлик сени юксаликка кўтарар экан. Мен буни шундан сезганманки, йил сайин имкониятним чегараси кенгайиб бормоқда. Хўжалигимизда 83 нафар одам ишлайдиган бўлса, ҳаммаси ўз киш-лоқдошларим. Ташқаридан кўмак

Саҳро бағридаги мўъжиза

Мамлакатимиз Истиқлолга эришганидан сўнг йиллик санаот корхоналари қад рoстлаб, импорт ўрини босадиган нoбб маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошладилар. Ана шундай маҳабатли, таъбир жоиз бўлса иқтисодий таъминнинг таъинига айланиб улгурган корхоналардан бири «Шўртангазким» мажмуасининг пайдо бўлиши наинки хоржидан хомашё харид қилишга чек қўйди, балки жаҳон базорига хариддориг тайёр маҳсулот сотиш имконини яратди.

Умуман 2005 йилнинг утган олти ойида воҳада жами ишлаб чиқарилган ялли худудий маҳсулот ҳажми амалдаги нархларда 410710,4 миллион сўмини ташкил этди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати таққослама нархларда 105 фоизни, ёки ялли худудий маҳсулотда sanoatнинг улуши 37,9 фоиз бўлди. Воҳада sanoatнинг етакчи кўчга айланиши иди.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Шўртангазким» мажмуасининг қиёс эканлиги йўқ. Бу мажмуанинг ишга туширилиши дунёда нoбб табиий бойлик ҳисобланган этан газининг хомашё сифатида сотилишига чек қўйди. Уни қайта ишлаб, маҳаллий ва хоржий истеъмолчиларга тайёр маҳсулот ҳoлида етказиб бериш имконини яратди. Полиэтилен, суялтирилган газ, конденсат, олтингугурт ҳамда товар газ ишлаб чиқаришга қoдир мажмуа вилoят ва республиканинг бошқа худудларида фаолият юритяётган корхоналар, чет эл фирма ва компанияларини ушбу маҳсулотга бўлган талабини қoндира бошлади.

«Шўртангазким» мажмуасининг қиёс эканлиги йўқ. Бу мажмуанинг ишга туширилиши дунёда нoбб табиий бойлик ҳисобланган этан газининг хомашё сифатида сотилишига чек қўйди. Уни қайта ишлаб, маҳаллий ва хоржий истеъмолчиларга тайёр маҳсулот ҳoлида етказиб бериш имконини яратди. Полиэтилен, суялтирилган газ, конденсат, олтингугурт ҳамда товар газ ишлаб чиқаришга қoдир мажмуа вилoят ва республиканинг бошқа худудларида фаолият юритяётган корхоналар, чет эл фирма ва компанияларини ушбу маҳсулотга бўлган талабини қoндира бошлади.

(Давоми 2-бетда)

Мармар бозори чаққон-ми?

ри, бошқа хил минераллар, чунончи, кварц, графит, апатит, слюда, дала шпати бўлади. Мармарнинг ранги унга қандай моддалар аралашганлигига боғлиқ. Мармар ҳар хил рангда бўлганлигидан уни силлиқлаганда юзи тарам-тарам бўлиб ялтираб туради.

(Давоми 2-бетда)

САНОАТ

Бунёд этилаётган биноларнинг мустаҳкамлиги, офатлардан сақланиш учун ундан имкон қадар фойдаланиб келганлар. Ҳатто, Исқандар Зулқарнайин даврида қад рoстлаган қалъаю, саройларда мармар, гранитлардан фойдаланилган. Улуғ эрт Амир Темуру ва Темурийдлар Самарқанду Хиндистонда бунёд этилган қурилишларда ушбу тошлардан фойдаланганлар.

Яхшидан боғ... қолади

1993 йилнинг бошларида Чортоқ тумани ҳoқимининг қарорига кўра А.Чўлпонов бошлиқ «Чўлпонота» фермер хўжалиги ташкил этилиб, Боғистон кишлоғи худудида жойлашган Бобур номили ширкат хўжалигига қарашли боғ майдонидан 10 гектар ер ажратиб берилди.

1995 йили фермер хўжалиқларини қўлаб-қувватлаш тўғрисида республика Президенти Фарқонларни, ҳукумат қарорлари эълон қилиниб, шунга асосан «Чўлпонота» фермер хўжалиги қайтадан рўйқатдан ўтказилди. Бобур номили ширкат хўжалиги билан ўзаро шартнома тузилди. Шартномага кўра «Чўлпонота» фермер хўжалиги ўз тасарруфидида бўлган 10 гектар боғни 50 йил муддатга ижарага олди. Боғнинг ҳар гектари 300 минг сўмдан баҳоляниб, фермер жами 3 миллион сўмини ўн йил мобайнида ширкат хўжалигига тўла бoрадиған бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ИНСОН ҲИСОБИ

«Бoғчи бир кун боқсанг, у сени бир йил боқади» деганлари рoст. Қишангизин тер тўиб парвариланган олмасордан учинчи йили шундай ҳoсил кўтарилидики, барча сарфланган харажатлар қoлғанди, бир неча миллион сўм фойда ҳам қўрилди.

1995 йили фермер хўжалиқларини қўлаб-қувватлаш тўғрисида республика Президенти Фарқонларни, ҳукумат қарорлари эълон қилиниб, шунга асосан «Чўлпонота» фермер хўжалиги қайтадан рўйқатдан ўтказилди. Бобур номили ширкат хўжалиги билан ўзаро шартнома тузилди. Шартномага кўра «Чўлпонота» фермер хўжалиги ўз тасарруфидида бўлган 10 гектар боғни 50 йил муддатга ижарага олди. Боғнинг ҳар гектари 300 минг сўмдан баҳоляниб, фермер жами 3 миллион сўмини ўн йил мобайнида ширкат хўжалигига тўла бoрадиған бўлди.

«Бoғчи бир кун боқсанг, у сени бир йил боқади» деганлари рoст. Қишангизин тер тўиб парвариланган олмасордан учинчи йили шундай ҳoсил кўтарилидики, барча сарфланган харажатлар қoлғанди, бир неча миллион сўм фойда ҳам қўрилди.

(Давоми 2-бетда)

САЛОМАТЛИК

Шарқ, шу жумладан, ўзбек халқ таъобати бир неча минг йиллик тарихга эга. Асрлар давомида унинг илмий ва амалий асослари яратилиб, анъаналари шаклланиб, ўз таркибига бир неча соҳаларни мужассам этган фан сифатида намоён бўлган.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ АКАДЕМИЯСИ: Аньаналар тикланмоқда

ринчи қисми тўрт унсур таълимоти, миждо таълимоти, тўрт хил таълимоти, аълолар таълимоти, қувватлар таълимоти, руҳ таълимотида ташкил топган бўлиб, улар ўзига хос мукамал назарий асослардир. Халқ таъобатининг икинчи қисми – соғлиқ ва касаллик, хасталик аломатлари, ташхис қўйиш усуллари, даволаш қондалари ва усуллари, доригарлик ва дори

(Давоми 4-бетда)

Мармар бозори чаққон-ми?

(Боши 1-бетда)

Фозгон мраммининг қарийб 200 йили қол-қора рангдан олпоқ рангга, он-сариқдан тортиб зангори ашл ранг (денгиз суви ранги) ва баҳорги осмон рангигача бўлганлари учраб туради.

Айтгандек, Фозгон мраммининг бир тахтасида бир неча хил ранг қўшилиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Бундай тошга рази солиб қарасангиз, гўё ўрмонлар, қўллар, қўлабда бутут қўлаб олган ва чаққон қайратган осмонни кўраётгандек бўласиз.

Москвадаги темир-бетон конструкциялар комбинатида бундай тахта тошлардан бутун бошли расмлар музейи бунёдга келган. Бу каби тахта тошлар баъзи кўрғазмаларда ҳам намойиш этилган. Москва метрополитенининг сайқал берилган, Фозгон мрамми ишлатилган "Кузнецкий мост" станциясида эскалаторнинг охириги зинасида туриб узоққа қарасангиз, гўё уфдан кўёш кўтариб кетган, станцияни ўтиб бўлиб қараганга, станцияни ўтиб бўлиб кетганга, станцияни ўтиб бўлиб кетганга, станцияни ўтиб бўлиб кетганга...

Машҳур олим, минералогия ва геохимия мутахассиси академик А.Е.Ферсман Фозгон мрамми ҳақида бундай ёзган: "Бу тошнинг гузаллигини таърифлашга сўз бойлигимиз охирига етмайди".

Фозгон мрамми ўзининг юқори сифатлиги жиҳатидан ҳамдўстлик мамлакатларидаги машҳур конлардан бири ҳисобланган. Фозгон мрамми ранг-баранглиги ва сифати билан бошқа жойларда қазиб чиқарилаётган мраммлардан кўп ҳисса билан устун туради.

Бу кон, - деб сўзини давом эттириди "Нуротамармар" конининг етакчиси Ш.Фозилов, - 1934 йилда ишга туширилган.

Биз тоғ бағрида бормоқдамиз. Оёқ остидаги мрамм парчалари ўзининг нафислиги, ранг-ранглиги билан диққатни жалб этади. Қад кўтариб турган мрамм қояларнинг баландлиги 13-18 метр келди. Баъзи жойларда мрамм қатламларининг қалъинлиги 950-1120 метргача боради.

Буни қараб, нақадар чиройли, - дейди суҳбатдошим ерда ётган мрамм парчасини қўлига олиб, - ок, пушти, сарғиш, кўнчи, сарик, қул ранг мраммларнинг бир қатламда урғаш ажойиб манзара кўради.

Мрамм захираси ҳисоблаб чиқилган-ми? - қизиқиб сўрадик. - Сақоиз миллион кубометрдан ошди, - деди ва қўшиб қўйди, - хали бу равада қилинган.

Фозгон қишлоғидан ўн икки километр шимолдаги гарба жойлашган Контахтадан қазиб олинган мрамм тошлардан эсдаллик совғалари ясалади. Қаш-қаш ва Қони қатор участкаларидан асосан мрамм хараанглири қазиб чиқарилади.

Бир неча йил муқаддам Нуро-тада янги мрамм кони очишга руҳбат беришди. Бу кон ҳамдўстлик мамлакатларидаги энг сифатли, совуққа ва иссиққа чидамли оқ мрамм бера бошлади. Бу нафис, гузал тош мамлакатимизда...

Шу кунларда мамлакатимизда Кувайт Миллий ассамблеясининг (парламент) Ички ишлар ва мудофаа масалалари қўмитаси аъзоси Али Ҳамуд Мансур ал-Ҳажрий раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.


26 сентябр куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Кувайт делегацияси ташрифи

Кувайт - Ўзбекистоннинг Осиёдаги яқин ҳамкорлари. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳадаги дўстона алоқалар кенгайиб бормоқда. Президент Ислам Каримовнинг мазкур мамлакатга ўтган йилнинг январ ойидаги ташрифи ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. Кувайт Миллий ассамблеяси делегациясининг юрти-мизга ташрифи ҳам узаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганликни далолатлади.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги парламент бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан фикр алмашди. Меҳмонлар Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишди.

Шу кун Кувайт парламенти делегацияси аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев билан ҳам музокаралар ўтказди.



Ғи ҳавозаси баланд иморатларда ишлатилмоқда.

Шодибой Фозилов 36 йилдан бери мрамм ишлаб чиқариши билан машғул. Мрамм тарихи билимдони. Бу соҳа сирларини обдон ўрганиш мақсадида Италия, Франция, Бразилия, Чехия, Арабистон давлатларидан бўлган.

Нияти келгусида қончилик ишларини кенгайтириш, мрамм тошларни сими аркон билан кесиб ва шу ҳисобдан хомашё микдорини кўпайтиришди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда мрамм конлари 35 тадан ошди бўлиб, уларнинг ўнтасида оқ, ўн тўрттасида қўлаб, олтинтасида қора, саккизтасида рангли мрамм қазиб олинади, - дейди Фозилов, - шундан энг йириги, захираси кўпи Фозгон конларидир.

Ўзбекистонда мрамм захиралари шаҳарлардан узоқда саҳро, чўл ва тоғ ҳудудларида жойлашганлигини ҳисобга олиб, уни вилоят марказларига келтириб ишлаш катта муаммолар туғдиради.

Оқибатда, - дейди Фозилов, - мрамм конлари қошида қайта ишлаш заводлари қуриш 2002 йилдан русумга кирди.

Бу мамлакатга нима беради? - Агар, - дея сўзини давом эттирди у, - 2000 йилда 348 минг метр квадрат мрамм тахтачалари тайёрланган бўлса, 2002 йилда бу микдор бир миллион метр квадратга етди.

Булари хали ҳаммаси эмас. Биргина Фозгон ва Нурота шаҳарларида 300 тадан ошди катта-кичик мрамм қорхоналари фаолият юритаяпти. Улар мамлакатга анча микдорда маҳсулот ишлаб чиқариб ва реализация қилмоқдалар. Вақти келиб бу технологияларни мукамаллаштириш, мрамм конлари ва уларнинг захираларини аниқлаш, ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган ҳамма икки баъравага кўпайиши аниқ.

Бу жараёнда мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Айтиш мумкин ишлаб чиқарилаётган мрамм маҳсулотларини буюртмачига автомобил транспортида етказиш қимматга тушаяпти. Чунки, йўл олиш ва маҳсулот харажати ошмоқда. Темир йўл эса узоқда. Бу жараёни арзонлаштириш учун вақт керак бўлади.

Уз ишининг билимдони, катта тажриба соҳиби Шодибой Фозилов бу борадаги ишларни таҳлил этар экан, қўйдиғиларни таъкидлади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида мрамм қончилигида муаммолар пайдо бўлди, - дейди у, - собиқ иттифок тарқалиб кетиши ва ҳўжалик алоқаларининг бўзрилиши, ҳар бир республика ўз пул биллигида, чегара, боққона қизматларидан бир қатор ноқулайликлар яратилди, бу масалалар ечилиши учун вақт керак эди.

Бу орада мамлакатга катта микдорда Туркия, Эрон, Италия, Греция, Испаниядан тайёр, сифатли табиий тошлар келтирила бошланган. Бу ҳолат мамлакат мрамм саноатини фалаж ҳолатига йўлқитди.

Яна бир мулоҳазани айтиш лозим деб ўйлайман, - дейди Фозилов, - ҳозирги мраммни қайта ишлаётган қишқик қорхоналар уларига ҳусусий қарьерлар очиб олиб, тош кесиб ишлари билан машғул. Аммо, бу охирида қарьерларнинг резведкаси, захирасининг микдори аниқланмаган. Бу соҳаларга аниқлик киритиб, уни қонунлаштириш керак.





Бугун мамлакатимизда тайёрланган мрамм маҳсулотлари дунё стандартлари даражасига чиқди. Эндиликда Ўзбекистон мрамми Россия, Украина, Қозғистон, Туркменистон, Афғонистонда катта талаб билан харид қилинмоқда.

"Нуротамармар" қорхонасида илгарилари бир йилда 50 минг тонна мрамм ушоғи ва бир неча минг метр куб хараанглири ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар хориққа ва республика заводларига жўнатилади. Мустақиллик йилларида қорхона ўз нуфузини оширди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан берилган кредити тўғрисида Италиянинг Педрина фирмаси асбоб-ускуналар харид қилиниб ишга туширилди. Ва йилга 50 минг квадрат метр сифати юқори мрамм тахтачалари тайёрланиб, микозларга сотилаяпти. Қорхонада 150 киши ишламоқда. Келажикда мрамм конларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш масалалари устида иш олиб борилаяпти.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ўзинг менинг улўғлардан улўғимсан, Ватаним!



В. ЖИРНОВ ва Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳалар.

МУКА 1 сорт 197,6 ▼ - 1,6 МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,03 ПОЛИЭТИЛЕН 1-0754 840,2 ▲ + 0,2 ПОЛИЭТИЛЕН 1-0760 898,3 ▲ + 51,1 ПОЛИЭТИЛЕН 11561 840,0 ▼ - 0,5 КАРБМАЙД 154,8 ▲ + 4,8

(Боши 1-бетда)

Маҳаллий хомашёдан фойдаланайтган мазкур қорхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, ички бозорда шу турдаги маҳсулотнинг кўпайишига, арзонлашишига замин яратди. Бошқача айтганда "Шўртангазим" мажмуасининг полистилен грануляларини ички бозорда эркин харид қилиш имконияти юзага келди. Бу эса барча ҳудудларда пластмасса, плёнка, кабеллар, махсус қўрулур, қадқолаш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисосланган кўлаб янги фирма ва қорхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада экспортга йўналтирилган катта микдордаги валютани тежаб қилиш имкони туғилди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ҳамда халқаро консорциум ўртасида имзоланган шартнома асосида энг ривожланган мамлакатларнинг "Эй-Би-Би Луммас глобал"

нинг дастлабки босқичида ўнлаб хорижий мутахассисларнинг қўмағига таянган бўлса ҳозирда мазкур мажмуада ишлаётганларнинг қарийб 100 фоизи маҳаллий кадрлардир. 2000 нафар киши иш билан билан бўлган мажмуада фан номзодлари, ўнлаб магистрлар фаолият юритмоқда.

Тан олиб айтиш керакики, мажмуанинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб, чет эллик ҳамкорлар сафи кенгайгани сайин экспорт ҳажми ҳам муттасил ортмоқда. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида дунёнинг кўлаб мамлакатларига 47 миллион 545,3 минг долларлик полистилен ва сулўтирилган газ сотилган. Бу воқеада ўтган йили амалга оширилган жами экспорт ҳажмининг 24,4 фоизига тенг. Ёки қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этади. Полистилен грануляларини сотиб олишга харидор бўлган чет эл фирми ва компанияларининг сафи кейинги пайтда анча кенгайди.

Саҳро бағридаги мўъжиза


(АҚШ), "Эй-Би-Би Соуми" (Италия), "Нисшо Ивай", "Мицу" ва "Тойо Инжиниринг" (Япония) каби компанияларининг лойиҳалари асосида 1998 йилда қурила бошланган мажмуада Германия, Канада, Жанубий Корея, Россия ҳамда Ўзбекистоннинг тажрибали мутахассислари иштирок этишган эди. Ишлаб чиқариш иншоотларининг ўзи 150 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуада умумий қиймати 656,6 миллион долларга тенг энг юқори технология асбоб-ускуналар ўрнатилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ҳамда бевосита саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган бу мажмуа Ўзбекистон иқтисодийотини мустахкам таъинчига айланди десада сира муболага эмас. Эеро, юртбошимиз "Шўртангазим" мажмуасида бўлганларида улкан қорхонадаги мураккаб механизмларни бошқарётган маҳаллий ёшларни бағрига босиб, уларнинг ишларига омад тилган эдилар. Ҳақиқатда "Шўртангазим" мажмуаси

Жумладан, Хитой, Россия, Туркия, Болгария, Германия, Эрон, Литва, Латвия, Озарбайжон, Покистон, Польша, Украина, Словакия, Қозғистон, Қирғизистон каби давлатлардаги ҳамкорлар бу ноёб хомашёни мунтазам харид қилмоқдалар. Шу йилнинг ўтган олти ойида мажмуада 69 миллион 810 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги ҳисобатан 1,5 баравар кўпдир. Соф фойда микдори 2004 йилнинг шу давридан 560 баравар ошиб, 2 миллиард 469 миллион долларни ташкил этади.

Истиқлол имкониятлари ҳақида сўз кетганда "Шўртангазим" мажмуасини еркин мисол қилиб кўрсатиш аниқ мудоаодир. Бузор туманининг қаққор чўл ҳудудида қисқа муддатда барпо этилиб, нафақат Марказий Осиё балки МДҲ давлатларида тенгсиз ҳисобланган бу қорхона мустақиллик берган имкониятлар мевасидир.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.





Бухоро хунармандлари ясаган бебаҳо буюмлар азалдан бутун дунёда ўз ихлосмандларини мафтун этиб келади. Бугунги кунда ҳам ота-боболаримизнинг ажойиб аъналарини давом эттириб келаятган қўли гул хунармандлар гўзал санъат намуналарини яратмоқдалар.

СУРАТДА: вилоят хунармандлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймақорлиги устаси Шавкат Ашу-ров иш устида.

З.ҚУРБОНОВА олган сурат.

Қашқадарё манзаралари



В. ЖИРНОВ ва Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳалар.

МУКА 1 сорт 197,6 ▼ - 1,6 МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 0,03 ПОЛИЭТИЛЕН 1-0754 840,2 ▲ + 0,2 ПОЛИЭТИЛЕН 1-0760 898,3 ▲ + 51,1 ПОЛИЭТИЛЕН 11561 840,0 ▼ - 0,5 КАРБМАЙД 154,8 ▲ + 4,8

Меҳнат ва матонат

(Боши 1-бетда)

Айни пайтда Қорақалпоғистонда 6767 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштиришга қўшган улуши 50 фоиз бўлиши кутилаётган.



Яна бир муҳим масала. Қузғи-қишқи тадбирлар ўз вақтида ўтказилиб, иқлимбоп навлар танлаб олинди, ғуза парварлиши юксак агротехник талаблар асосида ўтказилиб, йигим-теримга пухта ҳозирлик кўриildi. Шунингдек, пахтакорларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Алоқадор тижорат-акционерлик банклари томонидан тўрилган маҳсулот учун ҳар беш кунда иш ҳақи бериб берилмоқда. Бу эса мавсумнинг ушқоқлик билан ўти-

шини таъминлапти. Пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича 9 та қорхонанинг барча қабул қилиш шохобчалари мавсумга барвақт тахт қилинган. Қилинган батариб ишлар самараси мана бугун яққол кўзга ташланыпти. Бу эса ҳар бир қорақалпоқ фарзандига ғурур ва ифтихор бағишлаётгани бор гап.

Қорақалпоғистоннинг бугунги катта меҳнат зафарига туманлардаги "Файзулла бобо", "Баҳром Тайсон", "Азимбой хўжа", "Дарсан", "Қўнғиротлик хўжа", "Барок ботир", "Ниятулла", "Саид Дауқара", "Реймбой ота", "Қуаниш жарма", "Абдамбет", "Шериуши" каби фермер хўжаликларининг улуши катта бўлди. Улар ҳозирнинг ўзи



даёқ йиллик шартномавий режани 180-210 фоизга етказишди. Бу хўжалиқларда йигим-терим суръати ҳамон баланд.


Мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримовнинг Қорақалпоғистонга ташрифи қуни КеҒейли ва Нукус туманлари пахтакорлари билан учрашуви пайтида берган йўл-йўриқлари, ғам-хўрликлари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари фаровон турмуш кечирishi учун берган маслаҳатлари ҳар бир қорақалпоғистонлик пахтакор қалбига битмас-туганмас ғурур уйғотди.

Президентимизнинг даламизга келганларини қўриб, очиги, шундай

қувониб кетдимки... Бунинг сизга сўз билан тушунтириб беролмайман. Давлат раҳбари сиз билан қўл бериб кўришса, оталарча ғам-хўрлик билан маслаҳат берса, руҳлиб кетаркансан. Фермер хўжалигимиздаги мавсум 50 гектар майдондан қўшимча 50 тонна пахта сотиб, ҳосилдорлики 32 центнерга етказишга аҳд қилдик, - дейди КеҒейли туманидаги "Умид" фермер хўжалиги етакчиси Қалбика Ернарзובה. - Уғлимга Ислоҳ деб ном қўйган эдим. Юртбошимиз боламинг ўқишлари билан қизиқиб, менинг адошимга салом айтинг, умри узоқ бўлсин, дедилар. Бу мендай оддий қорақалпоқ аёли учун катта бахт эмасми?

Мухтарам Президентимиз бизнинг бирлашма пахтазорлариде бўлиб, томчилатиб сугориш технологияси асосида олиб бораётган ишларини билан яқиндан танишдилар. Мавсум 20 гектар майдондан мўл ҳосил олиш сирлари билан қизиқдилар, - дейди биз билан суҳбатда "Қорақалпоқагроинвест" бирлашмаси бошлиғи Нуриддин Орифхўжаев. -

Бугун қорақалпоғистонлик пахтакорлар ваъдаларига вафо қилишиб, йиллик шартномавий режани дўндириб қўйишди. Ҳали пахтазорларда ҳосил чўғи баланд. Шу босис йигим-терим барча хўжалиқларда давом этмоқда. Чунки, қорақалпоғистонликлар режадан ортқ 15 минг тонна қимматбахом ашё йиғиштириб олиб, ялли хирмон микдорини 200 минг тоннага етказишга бел боғлашди. Мураккаб ер ва об-ҳаво шароитида деҳқончилик қилаётган иши билан сўзи бир миршикорлар эзгу ниятларини амалга оширишлари турган гап.



Нукус туманининг мураккаб табиий шароитли ерларидан бундай шқорни ҳосил олиш тажрибасини кенг ёйиш ҳақидаги Президентимизнинг фикрлари бошимизни қўйма етказди. Демак, ҳар бир меҳнаткашнинг яшаш шароити, хоҳиш-истаклари доимо Юртбошимиз диққат марказида эканлиги бизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ, самаралироқ ишлашга даъват этиши табиийдир.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВА, Хидоят АХМЕДОВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбирлари. Суратларда: Илғор теримчилар - Р.Хидирова, Қ.Дуйсенбаева, фермерлар - Е.Жилмуратов, Б.Усанов, О.Оқғарбаев, Н.Раҳимов.

А.БЕРДИННЁЗОВ олган суратлар.

МАВСУМ 2 миллион тоннадан ошди

Республикамизда пахта йигим-терими авж паллага кирди. Ҳозирла-наётган "оқ олтин" хирмони кун сайин қўкка бўй чўзаяпти.

Кунига мамлакатимиз дала-ларидан 143 минг 111 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинмоқда. 26 сентябр ҳола-тга кўра республикамиз бўйича ялли ҳосил микдори 2 миллион 181,3 минг тоннадан ошиб кетди. Бу йиллик шартномавий режанинг 60,5 фоизи бажарилганидан дара-к.

Мамлакатимизнинг улкан хирмонига ҳар бир вилоят пахтакорлари узларининг муносиб ҳиссасини қўйишяпти. Айниқса, бухороликларнинг айни дамдаги шашти баланд. Улар бугунгача шартномавий режадаги хомашенинг 76,3 фоизини удалади. Қорақалпоғистондан кейинги - иккинчи ўринга кўтарилиб олдилар. Жамғарилган жами ҳосил 275 минг тоннадан зиёдини ташкил этаётган. Мухими, вилоятда қушлик йигим-терим суръати юқори. Бир кунда режадаги ҳосилнинг салкам 7 фоиз микдоридеги пахтани қабул масканларига топшири-шяпти.

Хоразм, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари пахтакорлари ҳам қарвонда олдинда боришмоқда.

Бозоров Маҳмуд Қурбонвич Қосон шаҳри Амир Темуру қўча-си 6-уйда жойлашган "Қосон-21" ОАЖ Устав фондининг 34 фоизини ташкил қиладиган 12547 дона, номинал қиймати 1400 сўмдан бўлган оддий, нақдсиз акцияларини сотиб олишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Яққасарой уманидаги "MAXSUSENERGOMARTAMINOT" ЕАЖ "GAZUSKUNATA MINOT" ЕАЖга қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилмоқда. "GAZUSKUNATA MINOT" ЕАЖ ҳуқуқи ворис ҳисобланади. Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайни-да қабул қилинади. Тел.: 133-41-68.

Утерьяное свидетельство о регистрации ЧФ "TARONA" № 00181, выданное 5 февраля 2002 г. жиданном Мирабаско-кого района г.Ташкента, счита-ется недействительным.

Утерьянный диплом № 113145, выданный 2000 г. Юл-дашеву Алижон Азимовичу 4-профессиональной школой Шайхантаурского района г.Ташкента, считать недействительным.

Кобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

YETTI QOLIMDAN BIR SHINGIL

"Қонун ва адолат" - голиб

Польшада парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов комиссияси хабарига кўра, сайловларда аҳолининг 38 фоизи иштирок этган. Унда "Қонун ва адолат" партияси энг кўп - 26 фоиз овоз олди.

Энди унинг раҳбари Ярослав Качинский янги ҳукумат тузади ва навбатдаги президентлик сайловларида қатнашади. "Қонун ва адолат" партияси раҳбарлари мамлакатда ишсизликни тугатиш, солиқларни қамайтириш, аҳолининг ноқор қисмини ижтимоий ҳимоялаш каби мақсадларни амалга оширажакликларини билдиришди. Ҳозирча Польша Европа Итти-фоқидеги ишсизлик энг юқори бўлган мамлакат ҳисобланади.

"Савдо уруши" ми?..

Россиянинг Федерал божхона хизмати Молдовада ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларга акциз мар-калари беришни тўхтатди.

Бу ҳолат Молдова шқор қорхоналари ўз маҳсулотларининг 85 фоизини Россияга экспорт қилаётганлиги босис кўлгина қорхоналарнинг бақор бўлишига олиб келади, деб фикр билдириди Молдова вино экс-портчилари уюшмаси бошлиғи Георгий Козуба. Мустақил экс-пертларнинг фикрича, акциз маркарларнинг берилмаслигига сабаб - 2006 йилда Россия ҳудудида янги шаклдаги акциз маркарлар ишлаб чиқарилиши ва уларни қўллашнинг янги тартиби жорий қилинишидир.

Ноҳуш "Биринчи ёмғир"

Исроил ҳукумати раҳбари Ариел Шарон "Хамас" ёки бошқа террорчи гуруҳларга қарши курашда барча чек-лашларни бекор қилди.

Энди ҳарбийлар террорчи-ларга қарши курашда ҳар қандай усул ва техникалардан фой-даланишлари мумкин. Ана шу қарордан сўнг Исроил ҳарбий қўшинлари Газо секториде "Биринчи ёмғир" деб номлан-ган ҳарбий ҳаракатни бошлади. Ҳарбийлар "Хамас" ташкилоти аъзоларини йўқ қилиш, қамаш ва уларни Исроил ҳудудида киритмаслик мақсадида артилле-рия ва самолётлардан фойдаланишмоқда.

Ракета зарбаларидан тинч аҳоли ҳам азият чекмоқда. Ҳазо шаҳрининг Арлан ҳудудида мактаб биноси ва бир неча ўй-жой бинолари ўққа тутилди. Жароҳатланганлар орасида аёл-лар ва болалар бор, деб хабар беради РИА "Новости" агент-лиги.

Исроил ҳарбийлари 150 нафар кишини ҳисбга олишди. Улар орасида "Хамас" ташкилоти раҳбарларидан бири шайх Хассан Юсуф ҳам бор.

Номаълум инфекция

"Интерфакс" агентлиги Россиянинг Омск вилояти-да 475 киши номаълум, юқумли касаллик билан ка-салланганлигини маълум қилди.

Беморлардан 224 нафарини болалар ташкил қилади. Касаллик манбаи ҳозирча аниқланмаган. Энг кўп беморлар аниқланган Калачинск қўрғони-да ичимлик сувидан фойдала-ниш таъкиқланган. Маҳаллий маъмулар аҳоли ўртасида ту-шунтириш ишлари олиб бо-ришмоқда.

Перуда зилзила

Перунинг шимолӣ қисмида Рихтер шқаласи бўйича 7 балли ер ости силқиниши қайд этилди.

Зилзила маркази Перу пой-тахти Лима шаҳридан 610 кило-метр шимолда жойлашганли-гини билдирган мамлакат гео-физика институти тинч аҳоли ўртасида қурбонлар борлигини ҳам хабар қилган. Маҳаллий радиостанциялар хабар беришича, зилзила руй берган ҳудудда электр энергия-си ва телефон алоқалари узилган. 20 дан ортққ уйлар хо-навайрон бўлган.

Ёрдамга муҳтож

АҚШнинг Луизиана штати губернатори мамлакат ҳукуматида бўлиб ўтган табиий офат келтирган зар-рарларни қоплаш учун 31,7 миллиард доллар миқ-дориде ёрдам сўраган.

Бу пулларнинг асосий қисми йўллар, кўприклар ва аэропортни тиклаш учун ишлатилиши режалашти-рилган. "Катрина" ва "Рита" тўфони натижасида бузил-ган Янги Орлеандаги тўғон-ни тиклаш учун яна 20,2 миллион доллар пул керак бўлади. "Бундай катта хара-жатларни қоплай олмаймиз, президент ва Конгресс ёрдамга муҳтожмиз", деди губер-натор.

Р.ЁДГОРОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 27 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	863,66	1 Польша злотийси	353,74
1 Англия фунт стерлинги	2022,59	1 СДР	1660,96
1 Дания кронаси	184,00	1 Туркия лираси	846,64
1 БАА дирҳами	310,40	1 Швейцария франки	881,33
1 АҚШ доллари	1140,00	1 ЕВРО	1372,22
1 Миср фунти	198,09	10 Жанубий Корея вонни	11,01
1 Исландия кронаси	18,32	10 Япония иенаси	101,52
1 Канада доллари	972,03	1 Россия рубли	40,10
1 Хитой юани	141,18	1 Украина гривнаси	225,74
1 Малайзия ринггити	302,45		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Қувончимнинг чеки йўқ

(Боши 1-бетда)

Ахир, мамлакатимиздаги шўнча бунёдкорликларнинг асос-чиси Юртбошимизнинг ўзлари далага келиб "ҳорманг" деб турса ҳаяжонланмай бўладими! У киши бизларга маслаҳатла-рини бердилар. Экинни экишдан олдин унинг ҳосилини қан-дай сотишни аввалдан ҳисоб-китоб қилиш лозимлигини ўқитдилар. Мендан, нега фермер хўжалигининг "Давлат" деб қўйгансиз, деб сўрадилар. "Эл-юртим, бола-чакам билан давлатли бўлайлик, дея ният қилганман" деганимда Юрт-бошимиз мамнун жилмайиб қўлимни сиқиб қўйдилар.

Президентимизнинг ташрифи бизни, юртдошларимизни яхши аяшага, астойдил меҳнат қилишга янада руҳлантирди. Элимизнинг баланд хирмонларини яратишда, фаровон тур-муш таъминлашида хисса қўйишга ўзимизда ўзгача кўч сезаямиз. Очигини айтсам, тарихий кун қалбимизга бир олам қувонч бахш этганидан беҳад бахтиярман.

Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари мамлақати-мизда биринчи бўлиб шартномавий режани ошириб бажар-ганликлари, шу муносабат билан Президентимиз қизгин та-бриқланганлиги барча юртдошларимиз қатори менга ҳам бир олам қувонч бахш этди. Бундай кўтаринки кайфият барча-мизни янги-янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

Ўткирбек НУРИМБЕТОВ, "Даулет" фермер хўжалиги раҳбари.

Избоскан туманидаги "Андижон", Балихчи ту-манидаги А.Навоий номи ва "Пахтакор"-ширкат хўжаликлари биринчи таримдаёқ шартномани бажарди-лар. "Андижон" ширкат хўжа-лигида Ўзбекистон пахтачи-лик илмий-тадқиқот институ-ти Андижон филиали селек-

Уруғчилик - даромад манбаи

ни парвартиш қилишди ва йигирма иш қунида ҳосил-дорликини 32,6 центнердан-га ошириб, қабул пунктлари-га 1340 тонна юқори нав пахта топширишди. Тажриба учун иккинчи терим ўтказил-ган даладан гектар хисобига 12 центнердан ҳосил олин-ди. Ана шунинг хисобига олган хўжалик аъзолари яна 500 тонна хомашё топшириб, қўшимча равишда 125 мил-лион сўм даромад қилишни кўзлашмоқда.

ТАХЛИЛ

"Пахтакор" ширкат хўжа-лигида "Оққўрғон" нави кўпайтириляпти. 534 гектар майдон хисобига 1749 тон-на пахта тайёрлаган деҳқон-лар ўз сўзларининг мустаҳ-кам эканлигини исботла-дилар. Салкам 33 центнер-лик натижа билан марра

эгалланди. Тайёрланган ҳосилнинг 966 тоннаси уруғчиликка ўтди. Шунинг ўзи-дан хўжалик 154 миллион сўм қўшимча даромад кўра-ди. Яна 650 тонна хомашё топшириб, ялли пахта хир-мони 2400 тоннага етказил-са, соҳадан келадиган даро-мад 832 миллион сўмини ташкил этади.

Кобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

АК "Ўзулгуржисавдо"

Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:

- *Трубы ВВП, ГОСТ 3262-75 20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм
- *ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80 57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
- *Листы стальные Г/К 11,12 мм
- *Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
- *Оборудование для парикмахерских
- *Алюминиевые подвесные потолки
- *Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
- *Перфораторы разных марок, электродрели
- *Электропилы дисковые для резки ме-талла
- *Пилы дисковые для резки металла Ø 35,40 мм
- *Ручные электрофрезы, электропилы

Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров: 530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм 720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм 1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм

При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены

Имеет возможность поставить по заказам потребителей:

- *Мини-шиферный завод
- *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб
- *Мини-завод по выпуску хлопкового масла
- *Солнечные электростанции
- *Мини-мукомольный завод
- *Мини-завод по переработке хлопковых семян
- *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53. E-mail: uz_savdo@mail.ru

ДИҚҚАТ!

Базальт толали иссиқликдан ҳимоя воситаси.

Қўллаш соҳалари:

- Баланд қаватли уйлар томини ёпишда,
- ташқ ва ички деворларга ишлов беришда, қаватлар ўртасидаги тўшамаларда,
- ҳаммом ва сауналарда, сув қувурларини ҳимоялашда
- ишлагич мумкин.

Узоқ чидамлилиги, табиий таъсирларга берилмаслиги, экологик зарарсизлиги, шовқин ўтказмаслиги билан ажралиб туради

Базальт вага. Рулонли ўрамалар. Юмшоқ тўшамалар.

Тел: (998-71) 118-84-90.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТАДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун куйидаги қорхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ

comagu:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОФИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш., Дўстлик шўққўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60. Андижон ш., Мирпўстин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88. Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06. Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Продажа автомобилей "GAZ"

GAZ-2705, GAZ-2705-КОМБИ, GAZ-3221, GAZ-3302, GAZ-33023, GAZ-3102, GAZ-31105, GAZ-3307(09)

ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАСАЖИРСКИЕ, ПАСАЖИРСКИЕ-Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗель, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru

ЦЕМЕНТ (Ахангаран) 45,0 ▼ - 0,1 УГОЛЬ(бнк) 12,3 ▲ + 0,02 АРМАТУРА 437,5 ▼ - 1,5 СУПЕРФОСФАТ 63,6 ▲ + 0,9 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 192,8 ▼ - 0,1

Символы цен: ▲ - Увеличилась; ▼ - Не изменилась; ▼ - Снизилась; ▲ - На сколько сум

Среднезвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM UZPTCS

